



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 13 февраль, чоршанба

№12 (11.400)

Эркин нарҳда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 февраль куни Оқсаройда Германия федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпингни қабул қилди.

— Биз Германияни Ўзбекистоннинг ишончли шериги, деб биламиз. Икки томонлама ҳамкорлигимиз мустақкам ва узоқ муддатга мўлжалланган ҳуқуқий пойдевор устига қурилган, — деди Ислам Каримов учрашувда.

Германия Ўзбекистонда амалга оширилаётган йirik лойиҳаларни замонавий технологиялар билан таъминлаб, иқтисодий-технологик сармоя киритишда фаол қатнашмоқда ва шу орқали мамлакатимиз тарққиётига ҳисса қўшмоқда.

11 сентябрь воқеаларидан кейин икки томонлама муносабатларда ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутаяпти. Бу борадаги алоқалар сифат

жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг биринчи босқичи муваффақият билан якунланди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бунда аксилтеррор коалициясининг аъзоси бўлмиш Германиянинг аҳамияти ҳам катта бўлди.

Германия Федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпинг Ўзбекистоннинг жафокаш афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзА).

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Финляндия ҳукуматлараро комиссиясининг учинчи мажлиси бўлди.

Ўзбекистон мустақиллик эришгандан кейин дунёнинг таракий этган давлатлари билан иқтисодий алоқаларни фаол йўлга қўя бошлади. Ана шундай давлатлар сирасига Европада ўзига хос нуфузга эга бўлган Финляндия ҳам кирди. Комиссиянинг бу галги мажлисида асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласига қаратилди.

Мажлисида, даставвал, Ўзбекистон ва Финляндиянинг иқтисодий ривожланиш жараёни, унинг истиқболли ҳақида атрафлича ахборот

берилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг ҳозирги аҳволи, уни ривожлантириш истиқбол мавзусида маъруза тингланди. Шунингдек, Финляндия ҳукумати дастури доирасида мамлакатимизда молиявий ва техникавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ҳаётга жорий қилиш имкониятлари муҳокама этилди.

Финляндиялик меҳмонлар юртимизга ташириш давомида бошқа вазирлик ва муассасаларда ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА).



## БОҒБОНЛАР

Тошкент туманидаги Абдурахмонов номи ширкат ҳўжалиги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган. Хар йили боғлардан юқори ҳосил олиниб, режалар ошириб бажарилади.

Бу ютуқларнинг сирини нимада? — Аввало шунини айтиш керакки, — дейди ҳўжалик раҳбари Абдурахим Абдурахмонов, — меҳнатни ташкил этишнинг оилавий пудратчи усули қўл келганди. Хар бир пудратчи боғ-роғларга қаровни ўрнига қўймоқда. Чунки шартнома шартлари бажарилса ва юқори ҳосил олинса пудратчининг даромади ҳам мўмай бўлганди. Шунинг учун хар бир тадбир ўз вақтида амалга оширил-

моқда. Ҳозирги кунга қадар 180 гектарга яқин боғлардаги мевали даракларнинг атрофлари чопиб қўйилди. Зарур майдонларга ўғит берилди. Боғбонлар мевали даракларга шакл беришни об-ҳавонинг қулай келган кунларидан унумли фойдаланиб, эрта бошлади. Бу ишга ҳўжаликда узоқ йиллар ишлаб, айни кунларда қарилқ гаштини сураётган отахонлар бош-қош бўлмоқдалар.

Ҳозирги кунга қадар, саксон фоиздан ортик майдондаги даракларга шакл бериб бўлинди. Бу ишни биринчи навбатда уруғли мева даракларидан бошлаган боғбонлар данакли мева дарак-

ларига шакл беришни ҳам кучайтириб юбордилар.

Боғбонлар яхши биладилар: шакл бериш қанчалик сифатли ва маромида бажарилса, ҳосилдорлик шунчалик юқори бўлади. Буни ҳисобга олиб ҳўжаликда мазкур тадбирни узоғи билан 20 февралгача тугаллаш режалаштирилган.

Н. ИСАЕВ.

СУРАТДА: кекса боғбонлар Йўлдош Носиров ва Асом Насриддиновлар даракларга қандай шакл беришга иштирок қилмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## СОЛТ-ЛЕЙК-СИТИНИНГ ДАСТАБКИ СОВРИНДОРЛАРИ



Солт-Лейк-Ситида ўтаётган қишқи Олимпиада ўйинларининг учинчи кунда фигурали учин бўйича жуфтликлар, биатлонда эркеклар ва аёллар ўртасида яқкалик пойгаси, эркеклар чана спорти ҳамда сноубординг беллашувлари ўтказилди. Аёлларнинг тоғ чангаси бахслари кучли шамол туфайли

бир кунга кечиктирилди.

Ўтказилган мусобақаларда АҚШ, Норвегия, Россия, Германия ва Италия олимпиячилари олтин медалга сазовор бўлди. Медалъ жағғаришда эса иккитадан олтин, учтадан кумуш ва биттадан бронза медални қўлга киритган америкалик ва германиялик спортчилар етакчилик қилмоқда.

Олимпиада ўйинларини телевидение орқали кўраётган томошабинлар сонини аниқлаш одат тусига кирган. Польшада "учар чангичи" Адам Малишинг Солт-Лейк-Ситидаги

иштирокини зангори экран қаршисида 12,5 миллион киши кузатган. Спортчи ҳам ҳамюртлари ишончини оқлаб, ўша кунги 90 метри трамплиндан сакраш беллашувларида бронза медални қўлга киритган. А.Малишинг Закопанеда ўтказилган жаҳон чемпионатидаги чиқишларини ҳам 12 миллион польшалик телевизор орқали томоша қилган эди.

Эркеклар ўртасида 30 километр масофага югуриш бўйича чанги пойғалирида Олимпиада олтин медални қўлга киритган Йохан Мюлетгги Испания қироли Хуан Карлоснинг шахсан ўзи табриқлади. Айтиш керакки, спортчи Испания фуқаролигини 1999 йилда қабул қилганди. У аслида Германияда туғилиб ўсган. "Хуанито" лақаби билан доврўқ қозонган Й.Мюлетггин олтин медални Испания учун катта фахр ҳисобланади. Чунки бу испанлар қишқи Олимпиада ўйинлари тарихида қўлга киритган икки олтин медалдан биридир.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ (ЎзА).

## Қарияларни қадрлаш йили БОБОМНИНГ «ҲИКМАТ» САНДИФИ

Бобалик хотираларим орасида бобом билан боғлиқ воқеалар жуда ардоқли. У киши оддий деҳқон, пешоналарига оқ қийқча боғлаб эртаю кеч ер чопардилар. Мен эса, кўпинча уват четига ўтириб, у кишига савол ёғдиришни хуш кўрадим.

Бобом кетмонларига суяниб, менинг ҳамма саволларимга бирма-бир жавоб берадилар. «Билмаган нарсалари йўғ-а!» деб ўйлардим шундан сўнг ўзларидан сўрадим:

— Бобожон, ҳамма нарсани қаердан ўргангансиз?

— Ҳикмат сандиғим бор, — дердилар бобом. — Нимани хоҳласам, ўша сандиқни очиб билиб олавераман.

— Менгаям ўшанақа сандиқ оберинг, — дердим. — Майли, кичкина бўлсаям...

— Одобли, ақли қиз бўлсанг, катта сандиқ олиб бераман!

Ушанда мен уйимиз тўрида турадиган, қалитини бураса жиринглаб очиладиган сандиққа ҳавас билан қарардим. «Қачондир бобом менга шунанақа сандиқ олиб берадилар, сўнг мен ҳам жамики нарсаларни билгич бўламан» деб орзу қилардим.

Кунлардан бир куни ўша сандиқнинг «сирини» очилди. Ушанда бобом бетоб эдилар. Энамни чақириб бир нимани

(Давоми 2-бетда).

## Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 519 йиллигига «БОБУРНОМА» ҚОЛДИРГАН ИЗЛАР

Агар Заҳириддин Муҳаммад Бобур дилкаш ва дилбар газалларини, «Бобурнома» каби улкан тарихий асарини ёзиб қолдирмаганида, адабиёт ва санъатта раҳнамолик кўрсатиб, мўъжизакор иншоотлар барпо қилдирмаганида, унинг шахси кейинги авлодлар томонидан қандай баҳоланарди? Тасавур қилиш ҳам қийин.

Шу ўринда яна бир бахсли сарвол туғилади: яхши шоирдан ёмон подшоҳ чиқиши мумкинми? Еки аксинча, яхши подшоҳ шеър ёзса, унинг ёмон шеър ёзиши мумкинми? Бобур Мирзо қалбиди ҳар иккиси ҳам мужассам эди, у ҳам яхши шоҳ ва дилбар шоир сифатида халқимиз тарихида қолди.

Бобур Мирзо шахси ўта зиддиятли, бу зиддият энг аввало унинг жангу жадалларга тўла ҳаётда намойён бўлиб, кейинчалик тақдир ҳосиласи бўлмиш шеърларига кўчган. Чет элларда Бобур шахсига, ижодида катта ҳурмат билан қаралгани ҳолда унинг ўзи туғилиб ўсган Ватанида, ҳатто айтиш мумкинки, яқин-яқинларгача шўролар даврида унинг шахсига, фаолиятига бир ёқлама қараш давом этиб келди.

Самарқандни жангу жадаллар билан уч марта қўлга киритиб, ҳар савфар ташлаб кетишга мажбур бўлганининг ўзи ҳар қандай кишини ўйга толдиради. У гоҳ толей йўқлигидан нолийди, чарқнинг жафоларидан ўртанади.

Бобур ўз ижоди билан ҳақли

(Давоми 3-бетда).

## Йил якуни таҳлили 67 МИЛЛИОН СЎМ Фойда: КАММИ, Кўпми... Бу биз учун кам дейишмоқда ширкатчилар

Бевосита моддий бойлик яратиш билан шуғулланадиган ҳар қандай жамоа фаолиятига, табиийки, улар амалга ошираётган ишларнинг самараси, деҳқонларнинг турмуши, ҳаёт тарзи қандайлигига қараб баҳо берилади. Шу маънода оладиган бўлсак, Тошкент туманидаги Фуломмахмуд Абдуллаев номи ширкат ҳўжалиги тўғрисида ҳам ижобий, ҳам салбий фикрларни айтиш мумкин.

Ижобийи шуки, бу ҳўжалик бир вақтлар тумандаги машъал ҳўжаликлардан эди. Сабзавот далалари, боғ-роғлардан юқори ҳосил олинарди. Ҳамма ерда чорвачиликни зиёнга ишлаган бир пайтда мазкур ҳўжаликда бу тармоқ соф фойда келтирарди. Ҳўжалиқнинг консерва заводида тайёрланадиган маҳсулотлар харидорғир бўларди.

Замонавий омборхоналарни айтмайсизми. Бу ерда қишнинг қирчиллама кунларида ҳам истаган турдаги мева-чева, ноз-неъматларни асрашингиз мумкин эди. Сабзавот, ҳўжалик раҳбарлари ишбилармонлик билан фаолият юритардилар. Шу ҳисобга даромад йилдан-йил ортиб, деҳқонларнинг турмуш тарзи яхшиланиб борарди. Ҳўжалиқнинг иш тажрибалири вилоят, ҳатто республика миқёсида ўтказиладиган машғулот-кен-

гашларда намуна қилиб кўрсатишлари, уларни оммалаштириш чоратадбирлари кўриларди.

Афсуски, кейинги йилларда бу ҳўжалиқнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари кескин пасайиб кетди. Дала ва боғларнинг ҳосилдорлиги талабга жавоб бермай қўйди. Ферма ачинарли ахволга келиб қолди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега бундай ҳолат рўй берди? Ахир мустақиллик шарофати билан ҳўжалиқларда деҳқонларга эркинлик, катта имкониятлар яратиб берилди. Меҳнатни ташкил этишнинг ижара, пудрат сингари энг мақбул усуллари кенг жорий қилиниб, деҳқон оғизда эмас, амалда ер эгасига айланди. Улар икки томоннинг манфаатлари тенг ҳисобга олинадиган, ҳар жиҳатдан ўйлаб тузилган шартнома асосида меҳнат қила бошладилар.

Бу имкониятлардан оқилона фойдаланилган ҳойларда ҳўжалиқнинг ривожланиб бораётганлиги маълум. Лекин афсуски бу ерда бошқарув тизимида билиб-билмай йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар туфайли шартномалар ҳўжақўрсинга

(Давоми 3-бетда).



Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 519 йиллигига

# «БОБУРНОМА» ҚОЛДИРГАН ИЗЛАР



қилдиларки, уларнинг саноғини батафсил баён қилишга қалам тили оҳир ва нуқсонлидир. Охир ҳамроҳлари ва қариндошлари бўлиб жами 250га яқин киши пиёда, елкаларида чопон, оёқларида чорик, кўлларида таёқ бўлган ҳолда беяроғ, Худога таваккал қилиб, Бадахшон ва Кобулга қараб йўл олдилар.

Бобур покиза ниятли, бутун борлиги билан истеъдодли эрдир, шунинг учун ҳам гўё унинг истаклари ҳаётда қийинчилик бидан бўлса-да, охир оқибатда мустаҷоб

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлгандек туюлади. Бундай ҳолни жон талвасасида ётган тўнғич ўғли Хумоюн тепасида туриб айтган: «Эй, Худо, ўғлимнинг жонини олгунча, менинг жонимни ол», дея илтижо қилиб, дунёдаги энг гўзал Кўҳи нур олмосини садақа қилиб юборганида ҳам кўриш мумкин.

Юқорида Мирзо Бобурни адабиётимизда ҳазрат Навоийнинг давомчиси дедик. Бунга унинг рубойи ва ғазаллари, «Бобурнома» тарихий асарининг ёзилиш услуби, аруз вазиғи оид «Муфассал», пири муршиди Хожа Аҳрорнинг «Волидия» асарини форсчадан ўзбек тилига шеърый таржима қилиши каби кўплаб ўшаш жиҳатлари мисол тариқасида келтириш мумкин. Уларнинг фарқи жиҳати шундаки, Бобур темурийлар авлодидан бўлгани

уҳун ҳам подшоҳликка ҳақиқий даввоғар эди. Ва у бу йўлни ҳам шараф билан давом эттирди, гоҳ энгди, гоҳ енгилди.

Бобур Ҳиндистонни эгаллагач, 1526 йилда ўзининг бошидан кечирганларини хотирлаб машҳур «Бобурнома» мемуар асарини ёзишга киришади. Ёзилиш пайтидан ўттиз-қирқ йил олдинги воқеаларни хотирлаб унинг қувваи ҳофизасига қойил қолмаслигининг илоҳий йўқ. Чунки, у ана шу олис болалик йилларидаги ҳодисаларни қозғога туширар экан, унинг хотирида воқеалар иқир-чиқирларига чета қолмайди, ҳар бир ҳодисани батафсил акс эттиради.

«Бобурнома» жаҳоннинг маданияти ривожланган халқларнинг кўплаб тилларига таржима қилинган, шоирона қилиб айтганда, Бобур Ҳиндистонни эгаллаган бўлса, унинг юракдан

ёзилган рубойи ва ғазаллари, «Бобурнома»си бутун дунёни эгаллагани рост. «Бобурнома»нинг инглиз тили таржимони Эркининг куйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: «Бобур характерининг энг мислсиз белгиси унинг бошқа мулкдорларникига мос келмаслигидир. Осиё тождорларидаги маҳобатли... сунъий характер ўрнига бизнинг кўз олдимизда Бобурнинг характери табиий, ҳаётни севувчан, самимий бўлиб гавдаланади. Бобур тахтда ўтирганига қарамай оддий турмушининг энг яхши туйғуларини ва ишתיқини ўзида сақлаб қолган. Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичидан Бобур сингари гениал ва талантили кишиларни камдан-кам учрағамиз...»

Ҳа, дунёни беш юз йилдан бери ўзининг ўлмас асарлари билан забт этиб, пол қолдириб келаётган бу — бизнинг Бобур! Шоҳ ва

шоир шахси билан халқимиз ҳақиқи равишда фахрланади, уни севиб, ардоқлайди.

Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижоди шоиру ёзувчиларимиз учун доимо илҳом манбаи бўлиб келган. Унинг ёрқин сиймоси севиқли адибларимиз Ойбек, Пиримуқ Кодиоров, Барот Бойқобилов, Хайридин Султоновлар томонидан бор мураккабликлари билан тўлақонли қилиб яратилган. Кўплаб санъаткорларимиз шоир ғазалларини кўйлаб, элга танилдилар. Гўё уларни Бобур руҳи кўллаб-қувватлаб тургандек туюлади.

Мана, ўн йилдирки, Ватанимиз озодликка, мустақилликка эришди. Шоҳ Бобур бундан беш юз йил аввал ордун қилган улкан элимизни бирлаштириб, обод ва озоқ мамлакат барпо этишдек мулк армон қарангки, мард ва жасур инсонларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бизнинг давримизда амалга ошганидан бошимиз осмонда, кўксимиз тоғ бўлиб, кўнглимиз чоғди. Шундай нурафшон кунларда озодлик дея жондан кечганларни, айниқса, Бобур Мирзо каби буюқ шахслар руҳи покни хотирлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Нормўмин ОЧИЛОВ, адабиётшунос.



## УСТОЗ ИБРАТИ

Ўтмишини яхши билган халқ асло завол топмайди. Чунки, аждодларнинг шонли ишлари, ибратли ҳаёт тарзлари, кадриятлари янги-янги авлодларга маънавий куч-қувват бериб туради.

— Мен ҳар бир дарсимдан болаларда ўтмиш аъёнларига, миллий кадриятларимизга ҳурмат-эътиборни мустаҳкамлаш учун фойдаланаман, — дейди Зангиота туманидаги 45-мактабнинг география-биология фани ўқитувчиси Турсуной Сайдазимова. — Халқимизнинг баркамол ёш авлодини воёга етказишда бунинг аҳамияти беводий.

Мохир муаллимнинг билимдон, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялаш йўлидаги изланиш ва интилишлари муносиб тақдирланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Турсуной Сайдазимованинг бой педагогик тажрибасини шогирдлари кунт билан ўрганишмоқда.

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Турсуной Сайдазимова болаларга тарихий топилмалар ҳақида гапириб бermoқда.

Суратни М. БОТИРОВ олган.

## Бизга ёздилар

### МАҲАЛЛАЛАРДАГИ СУҲБАТЛАР

ОҚҚҮРФОН туман хотин-қизлар кўмитасининг ташаббуси билан республика Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда кўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу мақсаддаги 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури шунингдек, ҳукуматнинг «Аёллар ва ўсим келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли оммасига тушултириш ишлари аниқ режа асосида олиб бoрилмақда. Бунинг учун туман ижтимоий таъминот бўлими, прокуратура, ички ишлар бўлими, «Маҳалла» жағмармаси вакиллари жалб этилиб, жойларда суҳбат, савол-жавоб тadbирлари ўтказилмоқда.

Уста Нормат Маҳалласидаги 9-мактаб, Мустақиллик ва Бирлик маҳаллалари фукарolari билан мактаб-интернат биносида уюштирилган суҳбатлар аҳолида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Учрашувда қатнашган кексаоёшлар ўзларини қизиқтиратган кўплаб саволларга малакали жавоб олдилар.

### ҚАЛИН ТУПЛАСА МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАЙДИ

С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги Охангарон туманида энг илгорлардан ҳисобланади. Иқтисодий салоҳияти ҳам бошқаларга нисбатан анча мустаҳкам. Бу бежиз эмас. Оилавий пудрат рисоладагидек йўлга қўйилгани боис, деҳқонлар меҳнатларига варама моддий манфаат кўрмоқдалар. Рағбатлантирувчи илгор усул, айниқса, галлчиликда юксак самара берапти. Пудратчилар шартнома мажбуриятларини ҳар йили ортиги билан бажариб, баракали даромад эгаси бўлмоқдалар.

Хўжалик деҳқонлари кейинги йиллар тажрибасидан тегишли хулоса чиқариб, кузги галлани октябрдан кечиктирмай экиб, кийгос ундириб олишни йўлга қўйишган. Жумладан, 2002 йил ҳосили учун октябрда экилган 560 гектардаги буғдой ҳамда 300 гектардаги арпаининг авжи баланд. Куздаёқ озиклантириб, икки марта қондириб суғориладиган учун қалин туپлаб, қишдан яхши чиқмоқда. Айниқса, Ҳ. Мамадова, С. Маматов, Ф. Абдурахмонов, М. Фаниев, Т. Нуруллаев каби тажрибали деҳқонлар даласидаги галлани ривожига ҳозирданок мўл ҳосилдан дарак бермоқда. Улар бу йил гектаридан камида 40 центнердан хирмон уюшни мўлжаллашмоқда. Охангарон тумани шариоотида бундай юқори ҳосилдорликка эришишнинг ўзи бўлмайди.

Тоша ШЕРАЛИЕВ, меҳнат фахрийси.

## Шифокор маслаҳати

# БОТУЛИЗМ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Касалхонага бемор келди. Узини ёмон ҳис қилди, дамба-дам кўнгли беҳуш бўлар эди. Ҳамма ёғи бўшашиб, боши айланаётганидан шикоят қиларди. Шифокорлар, тиббий таҳлилдан сўнг, аниқ таъсиҳ қўйдилар. Бемор ботулизм хасталигини ортирганди. Маълум бўлишича, у кўблар консервалланган мева шарбатидан истеъмол қилган, кечга бориб эса, шифохонага келмаслигининг илоҳи қолмаган.



Ботулизм қандай касаллик? Инсон ҳаёти учун қанчалик хавфи бор? Ушбу хасталик ҳақида вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази Овқатлашиш гигиенаси бўлими шифокори Атхам Йўлдошев куйидагиларни гапириб берди.

Ботулизм инсон организмга кўп ҳолатларда зарарланган мева-сабзавотлар орқали юқиб, касалликни кўзгатади. У асосан қиш мавсумида буй кўрсатади. Айни кунда хасталикнинг кўпайган пайтини кузатишимиз мумкин. Касаллик вирусаси асосан ҳаво кирмайдиган идишларда ривожланади. Бу эса, зарарланган маҳсулотнинг керакли шароитда консервалланганлиги оқибатидир. Озиқ-овқат маҳсулотларига микроблар турли йўллр билан илашади. Усимлик маҳсулотларига тупроқ орқали ўтади. Тупроққа эса, ҳайвон гўнглари вирус тарқатади. Ана шундай шароитда ўсган мева-сабзавотлар нотўғри консерваланиши натижасида касаллик келиб чиқади.

Касаллик дастлаб, ошқозон, ичак орқали сўрилиб, қонни, сўнг бош мия тўқималарини, асаб қисмларини зарарлайди. Касалликка йўқилган беморда дастлаб ҳаракатланиш сустайиб, мускуллар бўшашилади. бош айланиб, қаттиқ оғрийди, иш-

таҳа бўғилади. Сўнгра оғиз қуриб, кўнгли айни бошлайди. Кўп ҳолларда ич кетиш ҳолатини ҳам кузатиш мумкин. Ундан ташқари касаллик бироз ўтказиб юборилса, вақтида шифокорга мурожаат этилмаса, асаб касалликлари ҳам намоен бўлади. Яъни, кўзнинг хиралашуви, нарсаларнинг иккита бўлиб кўриниши, қорачининг тартибсиз кенгайиши ва паства тушиши ҳолатларини беморда кўриш мумкин. Ботулизмнинг айни оғир ҳолати нафас олишининг қийинлашиши ёки умуман тўхтаб қолишидир. Шундай пайтда тез тиббий ёрдам кўрсатилмаса, оқибати ўлим билан тугаши мумкин.

Вилоятда ана шу касаллик билан боғлиқ саккиз ҳолат кузатишдан бўлиб, 71 киши хасталикдан жабрланган. Буларнинг бари уй шароитида нотўғри усулда тайёрланган консерва маҳсулотларидан зарарланган.

Шунинг учун бозорлардан бундай консерва маҳсулотларини харид қилаётганда, аввало унинг устидаги қопқоғига эътибор қаратиш зарур. Агар ундаги маҳсулот зарарланган бўлса, қопқоғида кўтарилиш ёки идиш ичида кўпиклар пайдо бўлади. Бундай озиқ-овқатларни истеъмол қилмаслик даркор. Акс ҳолда юқорида айтилган ҳолатларни бошдан кечириш мумкин.

тузилиб яхши ишламади. Деҳқонлардан маҳсулот талаб қилинди-ю, уларнинг эмин-эркин ишлашлари учун шарт-шароитлар яратиб берилмади. Бу ҳол уларнинг кайфиятларига таъсир этмай қолмади.

Ўтган йили, айниқса, чорвачилик инқирозга юз тушиб, жар ёқасига келиб қолди. Гўшт етиштириш режаси 82 фоиз, сўт режаси эса бор-йўғи 42 фоиз уқдаланди. Ҳар бош сизгирдан йил давомида соғиб олинган сўт 1000 литрга ҳам етмади. Чунки, молларнинг насли айни бошлаган, бунинг боис улар тўйдириб боқилмасди. Сабаби — озука асосан четдан келтирилиб, унинг таннарихи гоят қимматга тушмоқда эди. Бу ҳақда хатто «Тошкент ҳақиқати» газетасида танқидий чиқиш ҳам бўлди.

Вазият тақозоси билан ўтган йилнинг кузида хўжаликка янги раис сайлаш керак бўлиб қолди. Деҳқонлар яхши устоз кўрган, хўжаликда бир неча йилдан буён бошқарув тизимида ишлаб келаётган, кўпчиликнинг хурмати қозонган Абдулхалик Мажидалиев мажлисда бир овоздан раис қилиб сайлашди. Янги раис ҳар бир пудратчи деҳқон билан сўзлашиб, (Давоми. Боши 1-бетда).

уларнинг фикрини, тақлифларини, истакларини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқди. Шундан сўнг якуний хулосага келиб, фаоллар ва тажрибакорларга сунанган ҳолда амалий ишга киришди...

Яқинда хўжаликда ўтган йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Бизни бу ерда қандай ўзгаришлар бўлганлиги

қизиқтирарди. Шунинг учун ҳам унда иштирок этдик. Деҳқонлар, гоғбонлар, соҳибкорлар, чорвадорлар бошқарувнинг қисқа вақт ичидаги фаолиятига ҳолис баҳо бериб, унинг ишини қонқарли деб топдилар. Хўжаликда дадил қадам ташланганлиги айтиб ўтилди. Бу энг аввало чорвачиликка бўлган муносабатда кўзга ташланмоқда. Молларнинг зотини яхшилаш, насл олишни рисоладаги

дек йўлга қўйиш учун мутахассислар билан биргаллик амалий ишлар қилинди. Қишлоғга пухта тайёрлик кўрилди. Етарли миқдорда озука жағмарилиди. Пудратчилар билан янги шақлда шартномалар тузилди.

Энг муҳими чорва эҳтиёжга етиб ортадиган озука хўжалигининг ўзида етиштирилмаган бўлди.

Биз иссиқхона раҳбари

Анвар Фуломмаҳмудов билан суҳбатлашдик.

— Мақтаниш эмас-у, — дейди у, — хўжаликка келаётган даромаднинг кўп қисми иссиқхона деҳқонлари уллушига тўғри келади. Афсуски, бизда ҳам жиддий хатоларга йўл қўйилди. Таҳлил қилиб чиқсак, кўпчилик ҳар бир квадрат метр иссиқхона майдонидан 15 килограммгача ҳосил олгани ҳолда, айримлар икки-уч ҳисса кам маҳ-

лакорлар билан суҳбатлашганимизда ҳам улар бундан буён янгиҳисса ишлашга аҳд қилганликларини, хўжаликнинг мавқени тиклаш учун бор тажриба, маҳоратларини ишга солишга шай эканликларини айтдилар. Шундай қилсак, даромад кўпаяди, хўжалик бойийди, демокки, бизнинг ҳам боийшимиз учун қулай шароит яратилади.

— Хўжалик бўйича, — дей-

## Йил якуни таҳлили

сулот топширмоқдалар. Ахир, сувимиз бир, имкониятимиз бир, тенг миқдорда ўғит оламиз. Ҳамма гап шундаки, талабчанликнинг бўшашиб кетганидан фойдаланиб, умумманфаатидан кўра кўпроқ ўз манфаатларини ўйламоқдалар. Эндиликда бундай аҳволга чек қўйиш пайти келди.

Соҳибкор, гоғбон ва гал-

ди бошқарув раиси Абдулазиз Мажидов, — барча тармоқларни кўшиб ҳисоблаганимизда 231 миллион сўм даромад олинди. Шунинг 67 миллиони соф фойда. Бу бизни қонқирмайди албатта. Янги мавсумда кам деганда 200 миллион сўм соф фойда олишни мўлжал қилиб туришимиз. Бу фойданинг 100 миллион сўми далачиликдан келса, 100 миллион сўми иссиқхонадан олинади.

Даромадни кўпайтиришнинг бой бериб келинган яна бир имкониятини ҳам ишга туширамиз. Халқнинг пешона тери эвазига қурилган, лекин ҳувиллаб ётадиган омборхоналар ҳам тўла ишга туширилади. Чорвачиликни ҳам фойдали тармоққа айлантирамиз. Хуллас, хўжаликни ҳар жиҳатдан юксалтириш, аввалги мавқени тиклаш учун тинмай изланиш ниятидамыз.

— Яхши ният, — деймиз раиснинг сўзларини тинглаб, — бунга эришса бўладими?

— Албатта, — дейди раис, — энг муҳими деҳқонларимизнинг тажрибаси, салоҳияти, қатъиятасқотда. Улар ҳам-жиҳат бўлиб ишлашга бел боғладилар.

Носир РИХСНЕВ.

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 20 ва 27 март кунлари соат 10.00да ўтказилмаган навабдаги аукцион ва биржа савдоларига тақлим этади.

- Савдога куйидагилар қўйилмади:
1. Ўзбекистон Республикаси Кимё саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг Чирчиқ филиали балансидаги Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида жойлашган «Ласточка» сойёблор дам олиш маскони объекти.
  2. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Навоий кўчасида жойлашган «Паркент шароб» акционерлик жамиятига қарашли қурилиш тугалланмаган савдо дўкони биноси (майdonи 16 кв.м.) объекти.
  3. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қибрай» ширкат хўжалигидаги, ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 3та ер майдони.
  4. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Дўрмон» ширкат хўжалигидаги, ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 3та ер майдони.
  5. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Дўрмон» ширкат хўжалигидаги сатҳи 500 кв.м. бўлган 1та ер майдони.
  6. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Дўрмон» ширкат хўжалигидаги аризаларни қабул қилиш 3 кун олдин тўхтатилади.
- Эслатма: сўзб, олувчилар тўмонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, баҳолаш хизмати ҳақини алоҳида «XususiyLashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» хисоб рақамига ҳужжатлар асосида ва давлат божини учун, мулк харид қийматининг бир фоизини микдоридан маблағ Давлат ордерини олиш учун тўланади.
- Шунингдек, аввалиги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба, жума кунлари ўтказилади.
- Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Тел.: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар • одамлар • воқеалар

## ЭЛЧИХОНАЛАР ЁПИЛМОҚДА

Аргентина ҳукумати ижтимоий-иқтисодий ва молиявий инқирозни инобатга олиб, жорий йилда айрим давлатлардаги элчиҳона ва консуллик хизматларини ёпишга қарор қилди. Жумладан, Сенегал, Зимбабве, Кения, Ливан, Кувайт, Югославия, Болгария, Руминия, Гондурас, Доминикан Республикасидаги элчиҳоналар фаолияти тўхтатилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу билан 5 миллион АКШ долларидан ортиқ маблағ тежаб қолинади.

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

Афғонистонда барқарорликни таъминлаш ва тиклаш ишларини олиб бoриш учун мунтазам давом этадиган халқаро ёрдам зарур. Бу ҳақда БМТ бoш кoтibi Кофи Аннан БМТ Хавфсизлик кoнғeссининг Афғонистондаги вазиятга бағишланган йиғилишида маълум қилди. БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасидан «Туркистон-пресс» шу ҳақда маълумот олди.

Бош кoтibiнинг таъкидлаб ўтишича, хавфсизлик ва бoш мамлакатнинг ўтиш даври ҳукуматига маблағлар етказиб бeриш зарурлиги масаласи яқинда К. Аннанинг Афғонистонга қилган сафари чоғидаги учрашуларда кўтарилган. Афғонистонни тиклаш учун зарур бўлган бошқа хал кичуви омили қўшни давлатлар, хусусан, Покистон ва Эрон томонидан қўллаб-қувватланишиндир.

БМТнинг Афғонистон бўйича маҳсуз элчиси Лаҳдар Брахими Хавфсизлик кoнғeссининг шу йиғилишида кeнғаш аъзолари Афғонистонда хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро қўллар ваколатини кeнғайтириш ва уларни факат Қoбулдагина эмас, мамлакатнинг бошқа қудудларида ҳам жойлаштириш масаласини кeнқитирмай қўриб чиқишга чақирди.

## БАЙРУТ САММИТИ

Ироқ парламенти раиси Саадун Ҳаммадий мамлакат президенти Садам Ҳусайн араб давлатлари раҳбарларининг март ойда Байрутда бўладиган саммитида қатнашмаслигини маълум қилди. Президент хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан, яъни С.Ҳусайнга айрим ташқи қўлларнинг таъжовузи борган сари кучаяётгани боис шундай йўл тутилмоқда, деди у.

(ҲАҶОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЎЗА ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

«НАСАФ» ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА



2000 йилги мамлакат чемпиони, вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси ўрнига 2001 йилдан бошлаб Осиё чемпионлари кубого мусобақаларида баҳс юритаётган Қаршиннинг «Насаф» жамоаси дастлабки босқичда муваффақият қозониб, чорак финалга йўл олган эди.

Чорак финал баҳслари икки гуруҳда ўтказилмоқда. Шарқий Осиё гуруҳида мамлакатимиз футболчиларидан ташқари Эроннинг «Истиклол», Қувайтнинг «Ал-Қувайт» ва Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Вахта» жамоалари баҳс юритдилар. Дастлабки учрашувни насасчилар «Ал-Қувайт» жамоаси билан ўтказдилар. 48-дақиқада Баҳром Хайдаров рақиблар дарвозасини ишғол қилиб, жамоасини 1:0 ҳисобида олдинга олиб чиқди. Қувайтлик футболчилар 75-дақиқада жавоб тўпини киритдилар. Уйин жангдор дуранг натижа билан якунланди.

Учинчи ҳал қилувчи турда «Насаф» Бирлашган Араб Амирликлари чемпиони «Ал-Вахта» жамоаси билан учрашди. Омад дастлабки дақиқаларда «Ал-Вахта» футболчиларига қулиб боқди. Биринчи дақиқадаёқ уларнинг ҳужуми самарали якунланди. 41-дақиқада майдон эгалари сардори ўз дарвозасини ишғол қилиб, ҳисобни тенглаштириб қўйди. Бу ҳисоб узок сақланмади. Чунки 45-дақиқада «Насаф» жамоаси сардори Нўмон Ҳасанов ўттиз метрлар масофадан туриб рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олди. Учрашув 2:1 ҳисобида «Насаф» галабаси билан якунланди. Икки учрашувда дуранг ва бир учрашувда галабага эришган «Насаф» беш очко тўплаб, гуруҳда иккинчи ўринни банд этди. Эронликлар етти очко билан биринчи ўринни эгалладилар. Бу икки жамоа ярим финалга йўллангани кўлга киритди. Осиё чемпионлари кубого ярим финалининг яна икки жамоаси Фарбий Осиё гуруҳи пешқадамларидан иборат бўлади. Ярим финал учрашувлари 3-5 апрель кунлари ўтказилади.

Талъат ЮСУПОВ.

ХОНАНДА ТЕРМА ЖАМОА АЪЗОСИ



Футбол бўйича бирон бир мамлакат терма жамоасининг тимсоли бўлиш ҳаммага ҳам насаб этáverмайдди. Бироқ бу борада, «Еввойи фришита» телесериали орқали муҳлисларга яхши таниш бўлган аргентиналик актриса ва хонанда Наталия Орейронинг омади чоғлан.

У расман Уругвай терма жамоасига таклиф этилди. Энди хонанда уругвайлик футболчиларга сафарларда ҳамкорлик қилади, айрим учрашувлар олдида шу уюштиради. Асл келиб чиқиши Уругвайдан бўлган Н. Орейро ўзининг янги «ролини» 13 февраль кун Монтевидеода Уругвай ва Жанубий Корея терма жамоаси ўртасида кечадагидан ўртоқлик учрашувидан олдин томошабинлар ихтиёрига ҳавола қилади. У уйин бошланишидан олдин концерт дастури билан иштирок этиши кутилмоқда.

Наталия ўзини терма жамоа аъзосидек ҳис қилиши учун унга 5 рақамли футболка совға қилинди. Ўз навбатида Н. Орейро ҳам жаҳон чемпионати давомида футболчилар билан бирга бўлишга, уларни галаба сари руҳлантиришга ваъда берди.

ЯПОНИЯГА 3 МИЛЛИОН КИШИ КЕЛАРМИШ

Футбол бўйича бу йилги жаҳон биринчилигига Жанубий Корея билан Биргаликда Япония ҳам мезбонлик қилади.

31 майда бошланиб, бир ой давом этадиган чемпионат мобайнида, футбол учрашувлари ўтказиладиган япон шаҳарларига дунёнинг турли бурчақларидан 11 миллиондан зиёд томошабин келиши кутилмоқда. Мутахассисларнинг гапларига қараганда, 1,6 миллион муҳлис учрашувни томоша қилиш учун шаҳарларга темирйўл орқали келади. Шунингдек, 1,11 миллион ишқибоз автомобилларда йўлга чиқса, 360 минг киши ҳаво йўллари хизматидан фойдаланишни афзал билган. Буларнинг барчаси жаҳон чемпионати ўйинларига сотилган чипталар ва ўша кун учун буюртма берилган транспорт турлари бўйича ҳисоб китоб қилинган.

АФРИКА КУБОГИ КАМЕРУНДА

Мали пойтахти Бамакода футбол бўйича ўтказилган Африка чемпионати ниҳоясига етди. Мусобақа финалида «Қоракитъа»нинг энг номдор терма жамоаларидан бири — Камерун ва Сенегал куч синашди.

Уйиннинг асосий вақти ва қўшиб берилган 30 дақиқа ҳам ҳеч бир жамоа учун рақиб дарвозасини аниқ нишонга олишга қийоқ қилмади. Турнир регламентига кўра, голия пенальтилар сериясида аниқланиши лозим эди. Узига хос бу лоторреяда омад камерунликлар томонида бўлди. Сенегал терма жамоаси 11 метрлик белгидан уч марта рақиб дарвозасини аниқ нишонга ола билмади. Камерун футболчилари эса белгидан икки марта адашди, холос.

Камерунликлар Африка чемпионлигини сақлаб қолиш билан бирга, ўзига хос рекорд ҳам ўрнатди. Улар Гана ва Миср терма жамоалари каби Африка Кубогининг тўрт карра соҳибига айланди.

Африка чемпионатининг бронза медаллари Нигерия футболчиларига насиб қилди. «Шилл бургуллар» учинчи ўрин учун кечган баҳсда мусобақа мезбони — Мали футболчилари устидан галаба қозонди.

Шеърят

ВУЖУДГА ИЛИҚЛИК БАҲШ ЭТГАН ОФТОБ

Ўзбекистон қомуси — юртининг ор-номуси, Байроғимга ярашиқ ой юзларин асрайман. Хар сатри юракларга сочмиш Ватан ёдуси, Эътиқодга айланган дил сўзларин асрайман.

Бундодир ўзин топади адолату қадрият, Тилымизу динимиз иқболи мужассамдир, Бу мамлакат қавоми, муқаддас бир тарбия, Келажакка барала айтилган зўр қасамдир.

Адолат оятлари битилган олай китоб, Уни ўқиб илк бора Ватанинг ангагайсан. Вужудинга ишқлик баҳи этгандек бир офтоб, Ўзбекистон аталмиш чаманинг ангагайсан.

ОРИЯТ

Этмасин тарк ҳар кишини орият, Айлағай фони бад ишини орият.

Раҳнамо эрса кишига шарм-ҳаё, Асрағай ёзу қишини орият.

Бўлса ҳар ким нафс балосин бандаси, Орттирар кўп тавишини орият.

Қилмаси ким ҳулуқ одоб расмини, Рад этар бад қилмишини орият.

Ҳақ йўлида гар қадам қўйса Заби, Доим асар равишини орият.

КАМОЛИНГ КЎРГАНДА

Фарзандим, сўзларим келмасин малол, Устозинг ҳурматла, дуосини ол. Устоз улдуғ зотдир, бағри кенг, ўқтам, Онг бериб ўстирди, кўрсатмаи завол.

Раҳнамодин сенга, то ҳайт экан, Ҳатто раво кўрмас нохушроқ шамол. Дўстларинг ким дея, қизқар ҳар он, Ёмон йўлга кириб, бўлма деб увол.

Камалинг кўрсанда яраб кетади, Борин садқа қилар сўрамай сиво. Устоз марди-майдон, жошувар инсон, Уни қилбаҳога этурар тилмосо.

Устоз комисис мунгаяр дунё, Устозлар дастиди шодлик ва иқбол.

Маҳбуба РАҲИМЖОНОВА.

ОШИҚҚА ЖОНСЕН

Сен кўнглимни шод этган оромикжонсен, Дилимга раҳат берган суҳбатикжонсен.

Бўйларингдан ўргилай, ажиб райхонсен, Юзинга термилсам, гулзун арғувонсен.

Ишқингда ёнган юрагимга дармонсен, Қанча ошиқлар етолмаган армонсен.

Вафо аҳли-мурода, олай нишонсен, Чехранга қаролмайман, нури жаҳонсен.

Саодатга зилтувчи тахти равоисен, Муҳаббат қудратига асл имтишонсен.

Дўстлар даврасида хуррам, ҳандонсен, Севги бобиди Лайло янгиқ дostonсен.

Сен ҳусн осмониди ёрқин моҳи тобонсен, Сенга шайдо, чил ошно Нейматга жонсен.

ЖАМОЛИНГДАН

Ўргилай мен сенинг зебо жамалингда, Кўнглимни хуш этган рағно висолингда.

Гурур, ифтихорим ошди, сезиб ҳар он, Мени эслаб, излаган ширин хайлингда.

Ҳусн аҳли маҳабб, сулуварга армон, Кўксимга шуъла сочган қадди ҳилолингда.

Сен хузур-ҳаловатим, эй, роҳатикжон, Жаннат қавсарин тойдим лабда болингда.

Башар орузи — сен зукко, офтобикжон, Кўзларим қунар яноқдаси холингда.

Нозик кўнглингни олмоқ — менга шараф-шон, Ўзим ёшигда борман, хабардорман ҳолингда.

Покиза одоб, ибонинга бўлай қурбон, Дунё раҳмати ёғилай пок ҳололингда.

Сенга ҳавасда ошно — шайдоларинг гирён, Оллоҳ асрасин, кўрқармен заволингда.

Бахтиёрмен, гар жонинга бўлсам жонмен, Ҳаётим тойдим маъно ёрқин иқболингда.

Неъмат ЁҚУБОВ.



ЁШИНГ НЕЧАДА, ЖАКОЖОН?

Владислав Арзуманов анчадан бери пенсияда. Аммо эрикишга вақти йўқ. Уйда эрмага кўп. Бўш вақтларини асосан Жакожон билан суҳбатлашишга бағишлайди. Жако зотли Африка тўтисига мансуб бу қуш ҳийла вайсаки. Аллоҳ зехндан ҳам бенасіб қилмаган. Ўрганган сўзлари миясида муҳрланиб қолади. Узига ёққан ибораларни эса қайта-қайта такрорлашни хуш кўради. Ажурладан, унинг энг яхши кўрган ибораси — «Жакочик хороший». Дарвоқе, у фақат рус тилида гапирди.

Жакожоннинг қобилияти шу даражадаки, олинган ҳар бир аъзоси ва хатто, Владислав Аркадевичнинг ҳамма жиянлари исмини ёддан биллади ҳамда аниқ талаффуз билан айта олади. Фақат жиянларнинг энг жажжисини эрқалаб «Кукла» деб қақиради. Жиянлардан бири — Аркадий ушбу хондонда Йигирма йилча яшаган, тўти билан кўп «мулоқотда» бўлган. Шу сабабданим, Жакожон Аркадийнинг овозига аниқ тақлид қилишни ўрганиб олган. Яқинда қизик воқеа юз берди. Аркадий рафқиси билан мейхон бўлиб келди. Уй соҳиб жиянининг хотини билан хонда суҳбатлашиб ўтиришганда тўти Аркадийнинг овозига тақлид қилиб, рафқисининг исмини айтиб қақириб қолди. Бу пайтда Аркадий ҳовлидаги машинаси атрофиди куймаланиб юрганди. Хотини эса эрим қақиряпти, деб ўйлаб, ташқарига йўналди. Уй эгаси уни тўхтайтиб, гап нимада эканлигини айтган.

СОҒЛОМ ОНА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

«Экосан» халққоро жамғармасида республика хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорликда «Аёллар саломатлиги ижтимоий экологик ўлчамларда» мавзуда семинар ўтказилди.

Анжуманда вазирлик ва идоралар, элчионалар, халққоро ташкилотлар вакиллари, эколог олимлар, шифокорлар иштирок этиб, аёлларнинг оиладаги ўрни, аёлнинг ҳуқуқий саводхонлигини кўтариш, саломатлигини мухтакамлаш, соғлом фарзанд ва уларни тарбиялашни яхшилаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунчаки синов

9. Сабр-тоқат талаб этадиган қизиқингиз бор. 10. Сизга атрофингиздагилар жуда секин ишлаётгандек туюлади. 11. Танишингиз ўзининг сафари ҳақида жуда узок гапирса, уни охиригача тинглайсиз. 12. Агар дўконда кимдир сиздан олдин навбатсиз нарса олиб кетса, жажингиз чиқади. 13. Телевизорда тасвир пириллаб тез-тез ўта бошласа, ўзи тузалишини кутасиз. 14. Телефон автоматда 10 минут кўп гаплашган кишининг олдида индамай навбат кута оласиз. 15. Бу тест саволларига жавоб беришдан аввал, унинг жавобларига қарадингиз.

Сиз чидамлимиСиз?

11. Танишингиз ўзининг сафари ҳақида жуда узок гапирса, уни охиригача тинглайсиз. 12. Агар дўконда кимдир сиздан олдин навбатсиз нарса олиб кетса, жажингиз чиқади. 13. Телевизорда тасвир пириллаб тез-тез ўта бошласа, ўзи тузалишини кутасиз. 14. Телефон автоматда 10 минут кўп гаплашган кишининг олдида индамай навбат кута оласиз. 15. Бу тест саволларига жавоб беришдан аввал, унинг жавобларига қарадингиз.

5 баллдан кам Сиз жуда ҳам бесабрсиз. Агар сиз маълум бир ҳулосалар чиқармасангиз, ҳаётингизда катта қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин.

Энди натижаларга қаранг: 11-15 баллар Сизнинг чидамлилигингиз ҳайратга соларли даражада. Лекин, қуйидагиларга диққат қилинг. Хар қандай меъёрдан чиқиш зарарли. Уйлаб кўринг: сиз жуда ҳам боқибегам эмасмикансиз, фоллик ва ташаббускорлик сизга ҳалақат бормаиди.

5-11 баллар Сизни табриқласа бўлади. Сиз ўз олдингизга қўйган максатингизга етиш учун керак бўлган чидамлиликка эгасиз. Сиз каби одамлар ҳақида: «Чидамли, ҳамма нарсага эришад», деб гапирдилар.

700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

СКАНВОРД

Scrabble word search grid with letters and arrows indicating words found.

Тузувчи: Ақромжон ХУЖАМОВ.

Қулаганга Нима Етсин!

Ковбой ҳиндулар қўлига асир тушиб қопибди ва уйлабди: «Энди куним битди». Шунда унга ички бир овоз дебди: «Йўқ, хали кунинг битгани йўқ, уларнинг сардорини ўқатиб бир тенгин». Ковбой ички товуш айтганидек, сардорни болаб тепибди. Шунда ички овоз унга: «Ана энди кунинг битди», дебди.

Айқ, бўри ва тўпқа қарта уйнамоқчи бўлишнибди. Шунда айқ: — Гирромлик қилмай уйнайлик, — дебди. Бўри ҳам қўшилибди: — Тўғри, ким гирромлик қилса, унинг сариқ ва айёр башарасини гижимлаб қўямиз.

Хотин эрига ҳафа бўлиб деди: — Кўшинингнинг эри доим ишга кетаётганини ўйиб кўяр экан. — Хўш, нима демокисан? — Сиз ҳам ишга кетаётгани ўйиб кўйинг, демокисан.

Успам ўлавераман-ку, лекин кўшининг эри мендан ранжимасмикан...

Буюртма Г-164.

Хажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ.